
ЮКСАК МУКОФОТ МУБОРАК БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра, мамлакатимизда азиз ва мўътабар аёл зотини улуғлаш, опа-сингилларимизнинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ва нуфузини ошириш, ўзининг кўп йиллик самарали меҳнати, бой амалий тажрибаси билан оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш, фарзандларимизни она Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишларига катта ҳисса қўшаётган хотин-қизларимизни муносиб қадрлаш мақсадида ҳамда юртимизда олиб борилаётган туб ислоҳотларда фаол қатнашиб, янги Ўзбекистонни барпо этиш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш йўлида ташаббус ва ибрат кўрсатиб келаётгани учун бир гуруҳ аёллар фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотланди. Қувонарлиси, мукофотланганлар орасида Риштон туманидаги «Зар кулол Риштон» оилавий корхонаси раҳбари, туман кенгаши депутати - Полвонова Марҳабо Расулжонова ҳам бор. Марҳабо опа «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланди. Юксак мукофот, муборак бўлсин!

2021-03-05 06:16:03